O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI INV.№

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ◊ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 2005 йил 16 апрель, шанба • №31 (11.729) • Эркин нархда сотилади

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ФАРМОНИ*

## 2005 йилнинг 1 майидан бошлаб иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида

**Республика аҳолисининг турмуш даражасини янада ошириш ва фуқароларга ижтимоий мададни кучайтириш мақсадида:**

1. 2005 йилнинг 1 майидан бошлаб бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, барча турдаги пенсиялар ва ижтимоий нафақалар, олий ўқув юртлари талабаларининг, ўрта махсус, касб-ҳунар ўқув юртлари ўқувчиларининг стипендиялари 1,2 баравар оширилсин.

2. 2005 йилнинг 1 майидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида энг кам:

иш ҳақи — ойига 7835 сўм;

ёшга доир пенсиялар — ойига 15505 сўм;

ягона тариф сеткаси бўйича бошланғич (нолинчи) разряд — ойига 7835 сўм;

болаликдан ногиронларга бериладиган нафақа — ойига 15505 сўм;

зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа ойига 9390 сўм миқдорида белгилансин.

3. 2005 йилнинг 1 майидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 27 мартдаги ПФ-3227-сонли Фармони билан уй-жой коммунал хизматларга ҳақ тўлаш бўйича ойлик компенсация пул тўловлари жорий этилган бюджет ташкилотлари ходимларидан айрим тоифаларининг иш ҳақи ўрта ҳисобда 1,35 баравар оширилсин ва мазкур компенсация тўловлари бекор қилинсин, жумладан мазкур Фармоннинг 1-бандига мувофиқ 1,2 баравар оширилсин, қолган қисми эса - бекор қилинадиган компенсация пул тўловлари ҳисобидан амалга оширилсин.

4. 2005 йилнинг 1 майидан бошлаб уй-жой коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича ойлик компенсация пул тўловлари энг кам иш ҳақига нисбатан табақалаштирилган миқдорларда бериладиган шахслар имтиёзли тоифаларининг янгиланган рўйхати иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Белгилаб қўйилсинки, иш ҳақига қўшиладиган устама ва қўшимча ҳақларнинг барча турлари, шунингдек пенсиялар, икки ёшгача бўлган болаларни тарбиялаётган оналарга, болали оилаларга бериладиган нафақалар ҳамда энг кам иш ҳақига нисбатан белгиланган компенсация ва бошқа тўловлар 2005 йилнинг 1 майидан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

6. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, бюджетдан молияланадиган ташкилот ҳамда муассасалар билан биргаликда пенсиялар, нафақалар, стипендиялар, бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг мансаб маошлари миқдорини мазкур Фармондан келиб чиққан ҳолда ўз вақтида қайта ҳисоблаб чиқишни таъминласин.

7. Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақа ва стипендияларнинг оширилиши билан боғлиқ харажатлар Республика Давлат бюджети ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ҳисобидан амалга оширилсин.

8. Хўжалик ҳисобидаги корхона ва ташкилотлар 2005 йилнинг 1 майидан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақига мувофиқ ишлаб чиқариш самарадорлиги оширилган ва меҳнат сарфи камайтирилган тақдирда иш ҳақи миқдорини оширсин.

9. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 1 июлдаги ПФ-3450-сонли Фармони;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 27 мартдаги ПФ-3227-сонли Фармони иловаси ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

10. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

11. Мазкур Фармон матбуотда эълон қилинсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.**
Тошкент шаҳри, 2005 йил 13 апрель.

## ВИЛОЯТ КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИ

**Шу йил 14 апрель куни Халқ депутатлари Тошкент вилоят кенгашининг II сессияси бўлиб ўтди.**
**Сессияни Кенгаш раиси, вилоят ҳокими Козим Тўлаганов бошқарди.**

Депутатлар бир қатор ташкилий масалаларни кўриб чиқишди. Вилоят сайлов комиссиясининг Халқ депутатлари Тошкент вилояти кенгашига 50-Истиқлол сайлов округидан сайланган депутатнинг депутатлик ваколатини эътироф этиш тўғрисидаги масала юзасидан ахбороти тингланиб, тегишли қарор қабул қилинди. Шундан кейин Халқ депутатлари вилоят кенгашининг доимий комиссиялари таркибини шакллантириш масаласи кўриб чиқилди. Депутатлардан иборат ишчи гуруҳининг ахбороти тинглангач, Кенгашнинг Аграр ва сув хўжалиги, Ижтимоий-маданий ривожланиш, Иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш, Коммунал хўжалик ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, Қонунийлик, ҳуқуқ-тартибот ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, Маҳаллий солиқлар, йиғимларни белгилаш, Бюджетдан ташқари жамғармаларни шакллантириш, Оила, аёллар ва ёшлар, Саноат, транспорт, қурилиш, алоқа ва аҳолига хизматлар кўрсатиш масалалари бўйича доимий комиссияларини ташкил этиш ва уларнинг таркибини тасдиқлаш тўғрисида тегишли қарорлар қабул қилинди.

Сессия Халқ депутатлари вилоят кенгашининг 2005 йилга мўлжалланган иш режасини тасдиқлади. Кенгаш таркибида сиёсий партияларнинг депутатлар гуруҳларини тузиш ҳақида қарор қабул қилинди. Эндиликда Кенгаш таркибида Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ва Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг депутатлар гуруҳлари фаолият олиб боради.

Шунингдек, сессияда «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси аъзоларига номзод кўрсатиш тўғрисида», «Тошкент вилояти маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари таркибий бўлинмалари раҳбарларини лавозимга тасдиқлаш тўғрисида», вилоят ҳокимининг айрим қарорларини тасдиқлаш тўғрисидаги масалалар ҳам кўриб чиқилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Шу билан Халқ депутатлари вилоят кенгашининг сессияси ўз ишини якунлади.

## Сифат ва унум билан

**Айни дамларда вилоятимизнинг бир қатор ширкат ва фермер хўжаликларида чигит экиш авж паллага кирди. Мутасаддилар ҳамда деҳқонларнинг муштарак мақсадлари уруғликни мақбул муддатларда, сифатли экиб олишдир.**

Пскент туманидаги Охунбобоев номли ширкат хўжалиги бу йил 800 гектар майдонда пахта етиштириш буюртмасини олган. Режага кўра, ҳар гектар ердан 27 центнердан хом ашё йиғиштириб олиш кўзда тутилган. Бунинг учун барча имкониятларини ишга солаётган хўжалик деҳқонлари тайёр ҳолга келтирилган ерларга чигитни қисқа муддатда экиб олишга ҳаракат қилмоқдалар.

Шу кунларда хўжалик далаларида 11 та сеялка юқори сифат ва унум билан ишламоқда. Ҳар куни 90-100 гектаргача майдонга уруғ қадашга эришилаётгани боис, ҳозиргача қарийб ярим майдонга чигит экиб бўлинди. Хўжаликнинг пахтачилик билан шуғулланувчи 353 пудратчиси экиш жараёнларида бевосита иштирок этмоқда.

Шунингдек, хўжалик ҳудуддаги 156 та фермер хўжалигига ҳам чигит экишда амалий ёрдам кўрсатмоқда.





***СУРАТЛАРДА:** экиш пайти; ширкат хўжалиги бошқарув раиси Абдурашид Қосимов, механизатор Бахтиёр Каримов ҳамда бош пудратчи Баҳром Саидов уруғлик чигит сифатини кўздан кечирмоқдалар.*

**Е. БОТИРОВ олган суратлар.**

## «Тоза ҳаво» тадбири амалда

**Бутун мамлакатдаги каби вилоятимизда ҳам шу йилнинг 10 апрелидан 10 майигача «Тоза ҳаво» тадбирининг биринчи босқичи ўтказилмоқда.**

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг қарорига биноан уюштирилаётган бу тадбир доирасида вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ички ишлар бошқармасининг йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати билан ҳамкорликда режа тузди. Давлат нозирлари жойлардаги Давлат санитария-эпидемиология назорат маркази, «Ўзнефтегазназорат» ва бошқа мутасадди ташкилотлар ходимлари билан ҳам алоқаларни йўлга қўйдилар.

Тадбир давомида йирик саноат ҳамда автомобиллар ҳаракати зич минтақаларга алоҳида эътибор берилади. Чунончи, Олмалиқ, Ангрен, Бекобод, Оҳангарон, Чирчиқ, Янгийўл шаҳарларида ва вилоятнинг дам олиш масканлари жойлашган Бўстонлиқ, Паркент туманларида бу иш кенг кўламда олиб борилади.

Экологлар йўл хизмати хавфсизлиги ходимлари билан келишган ҳолда вилоятга кириб келинадиган 11 масканда, жумладан, Тошкент туманидаги «Ғишт кўприк», «Навоий», Чиноз туманидаги «Яллама», Ангрендаги «Чинор» блок постларида ва Кибрай туманидаги «Соҳибкор», Юқоричирчиқ туманидаги «Бордонкўл», «Норбоев», «Оқ тепа», Оҳангарон туманидаги «Бескостин» ва Бекобод туманидаги «Ойбек» йўл-патрул хизматларида автоуловлардан атмосфера ҳавосига чиқарилаётган зарарли газ миқдорини текшириш бўйича ишлар қизғин бошлаб юборилди.

● Тадбир

**Ногирон болалар ва ўсмирларга ёрдам берувчи «Умр» республика жамоатчилик маркази ҳамда Инсон ҳуқуқлари ва ижтимоий ҳуқуқ маркази «ASISSTING COMMUNITIES TOGETHER» ташкилоти кўмагида «Ногирон бола ҳуқуқи — бу инсон ҳуқуқи» мавзусида уч кунлик семинар ўтказди.**

# Улар ҳуқуқ борасида камситилмаган

Аҳоли заиф қатлами вакиллари орасида ҳуқуқий саводхонликни ошириш мақсадида ташкил этилган ушбу тадбирда жамоат ташкилотлари, давлат муассасаларида ногирон болалар ва ўсмирлар билан ишлаш бўйича фаолият кўрсатаётган мутахассислар иштирок этдилар.

Семинарда таъкидланганидек, ногиронлар, ёшларидан қатъи назар, барча билан баробар тенгҳуқуқли инсонлардир. Шу боис, айниқса, ногирон болалар ва ўсмирларга жамият ҳаётида ҳамма қатори иштирок этиш, ўзларини барча фуқаролар қатори ўқишлари ва ижтимоий фойдали меҳнат билан имкониятлари доирасида шуғулланишларига ҳар томонлама кўмаклашиш зарур. Бу борада оила, жамият, мактаб, санъат муассасалари, матбуот, телевидение ва радио катта ёрдам бериши шубҳасиз.

Уч кун давом этган семинарда қатнашчилар жойларда маҳаллий аҳоли билан суҳбатлар ўтказсалар, ногиронларнинг маҳаллий ҳокимият органлари ва бошқа манфаатдор ташкилотлар вакиллари билан учрашувларини уюштириб, ногиронлар муаммоларини Ўзбекистон Республикаси қонунлари ҳамда инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро қонун ҳужжатлари асосида ҳал этиш мақсадида тушунтириш-маслаҳатлар бериб борсалар фойдадан ҳоли бўлмаслиги уқтирилди.

# Журналистлар тақдирланди

**Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтида 2004 йил сентябрь ва 2005 йил январь ойларида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенатига бўлиб ўтган сайловларни мамлакатимиз оммавий ахборот воситаларида ёритилиши бўйича танлов ғолибларини тақдирлаш маросими ўтказилди.**

Танлов 2004 йилнинг сентябрь ойида эълон қилиниб, шу йилнинг январь ойида якунланган эди. Унда Тошкент шаҳри ва вилоятлар газета, радио ва телевидение журналистлари қатнашишди. Марказий сайлов комиссияси раиси вазифасини бажарувчи Сайёра Хўжаева сайлов жараёнларида қизғин фаолият юритган барча журналистларни чин дилдан қутлади.

Шунингдек, якуний натижалар эълон қилинди. Бош соврин — «Pentium-IV» компьютери Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎзА таҳририяти бош муҳаррирининг ўринбосари Ғулом Мирзога насиб этди. Иккинчи ва учинчи ўрин соҳиблари «Народное слово» газетаси бўлим муҳаррири Платон Дюгай ҳамда Ўзбекистон телевидениеси «Давр» дирекцияси муҳаррири Гулноза Ҳусановага телевизор топширилди. Рағбатлантирувчи ўрин соҳиблари қимматбаҳо совринларга эга бўлдилар. Улар қаторида «Тошкент ҳақиқати» газетасининг бўлим мудири Жўра Саъдуллаев билан «Ташкентская правда» газетасининг бўлим мудири Юрий Черногаев ҳам тақдирландилар.

**Саид ҲАСАНОВ.**

## «КАБУТАР» — ҒОЛИБ

**Юқоричирчиқ туманидаги мактабларнинг 9-синф ўқувчилари ўртасида «Сиҳат-саломатлик йили»га бағишлаб «Соғлом авлод — соғлом жамият негизи» мавзуида кўрик-танлов бўлиб ўтди.**

Унда жамоалар ҳудудларга бўлинган ҳолда ўзаро беллашдилар. Натижаларга кўра, 6-мактабнинг «Барчиной» ва 34-мактабнинг «Кабутар» жамоалари финал босқичида баҳс олиб бордилар. Беш шартни аъло даражада бажарган «Кабутар» жамоаси ўқувчилари ғолиб деб топилди.

Уларга туман халқ таълими бўлими ҳамда марказий кутубхонанинг эсдалик совғалари топширилди.

**Камол ҒАЙРАТОВ.**

## ҲУДУДИЙ СЕМИНАР

**Ангрен шаҳрида фуқаролар йиғинларининг маслаҳатчилари фаолият самарадорлигини ошириш масалаларига бағишланган ҳудудий семинар бўлиб ўтди.**

Йиғилишда хотин-қизлар ва ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ҳамда жиноятчиликнинг олдини олиш ҳамда йод танқислиги муаммолари юзасидан маърузалар тингланди. Унда шаҳар хотин-қизлар қўмитаси, «Маҳалла» жамғармаси фаоллари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар ҳамда маҳалла посбонлари иштирок этишди.

**Абдулла РАҲИМОВ.**

## ҲАМКОРЛИК КЕЧАСИ

**Бекобод санъат коллежи Ўзбекистон Давлат консерваторияси билан доимий ҳамкорликни йўлга қўйган.**

Коллеж ўқитувчилари белгиланган режа асосида консерваторияда ўз малакаларини ошириб қайтадилар.

Яқинда ҳамкорлик кўламини янада кенгайтириш мақсадида консерватория ва коллеж талабалари иштирокида ижодий концерт кечаси уюштирилди. Унда шарқ ва ғарб халқлари куй, қўшиқлари янгради.

Концерт сўнгида коллежни малакали ёш ўқитувчилар билан таъминлаш юзасидан ҳам келишиб олинди.

**Равшан РУСТАМОВ.**

## СОВРИНДОР ЎЙИНЧОҚ

**Бир неча йилдирки, мамлакатимизда мактабгача таълим муассасаси ходимларини рағбатлантириш мақсадида кўрик-танловлар ўтказиб келинмоқда.**

Бу сафарги ижодий беллашув юмшоқ, сюжетли, ижроли, жисмоний ривожлантирувчи ва стол устида ўйналадиган ўйинчоқлар номинацияси бўйича ташкил этилди.

Кўрик-танловда вилоятимиздаги болалар боғчалари тарбиячилари ҳам фаол қатнашдилар. Зангиота туманидаги 30-болалар боғчаси мутахассиси Ҳакима Ҳасанова ясаган ўйинчоқ совринли учинчи ўрин билан тақдирланди. Унда болалар севиб томоша қиладиган мультфильмлар қаҳрамонларидан бирининг қиёфаси ўз аксини топган.

**Акбар АЛИЕВ.**

## МУРУВВАТ ЁРДАМИ

**Бугунги кунда «Соғлом авлод учун» жамғармаси вилоят бўлими «АМЕРИ КЕРЗ» компанияси билан ҳамкорликда юрак-қон-томир, асаб касалликларига чалинган ҳамда туғма ривожланиш нуқсонлари бор болаларни жарроҳлик усули билан даволашни кенг йўлга қўймоқда.**

Мазкур ҳамкорлик самараси ўлароқ яқинда Чирчиқ шаҳрининг марказий шифохонасига 18 хил дори-дармонлар мурувват ёрдами сифатида топширилди.

**Рустам АБДУҲАКИМОВ.**

● Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик



# ХОМ АШЁ ЎЗЛАРИДАН

**«Садгрупп» Янгийўл туманида фаолият кўрсатаётган етакчи тадбиркорлик тузилмалари қаторига киради.**

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлашга ихтисослашган бу хусусий корхона жамоаси ишлаб чиқариш ҳажмини изчил ошириб бормоқда. Бу ерда тайёрланаётган мева ва сабзавот консервалари тури ҳам йил сайин ортаяпти. Олма, олхўри, шафтоли ва бошқа мевалар қиёмлари ҳамда мураббolари, томат пастаси доим харидоргир. Кейинги вақтларда уларнинг хили ўнтадан ошди. Бозор талабини ўрганиб, ёнғоқдан консервалар ишлаб чиқариш ҳам ўзлаштирилди.

Ўтган йили юз тоннадан ортиқ томат пастаси, юз эллик мингта турли ҳажмдаги мева-сабзавот консервалари — жами эллик миллион сўмликдан кўпроқ маҳсулот тайёрланди. Корхона кичик ҳажмдаги консервалар тайёрлашни кўпайтиряпти. Бу уларнинг харидоргирлиги ошишига хизмат қилмоқда.

Тадбиркорлик тузилмасида ишлаб чиқариш Венгрия технологиясига асосланган. Ўрнатилган асбоб-ускуналар, технологик линиялар шу асосда ишлайди. Бу маҳсулот сифати диди тобора ортиб бораётган харидорларнинг талабларига жавоб берадиган даражада бўлишига олиб келмоқда. Шу туфайли консервалар дўконлар пештахталарида, корхона омборида туриб қолмаяпти. Бунда тумандаги «Янги ҳаёт» ва қатор фермер хўжаликларининг ҳам муносиб ҳиссалари бор. Улар корхонага хом ашё етказиб беришяпти.

— Маҳсулот сифатини яхшилаш учун, — дейди корхона раҳбари Собит Зокиров, — технология талабларига тўла амал қилаяпмиз. Технологиянинг ҳар бир жараёни доимий назоратда.

Ишбилармоннинг айтишича, эндиликда тузилманинг хом ашё негизини барпо этиш учун саъй-ҳаракатлар бошланиб кетган. Ўзига қарашли мевали боғлар яратишга киришилди. Бунинг учун туман ҳокимлиги қарори билан ер ажратилди. У ерда олхўри, олма, нок, шафтоли ва бошқа мевали дарахт кўчатлари ўтказилмоқда. Улар ҳосилга киргач, ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш учун қўшимча имкониятлар вужудга келади. Хом ашё корхонанинг ўзидан чиққач, тайёраланётган маҳсулот таннархи ҳам арзонлашади. Бундан жамоа ҳам, харидорлар ҳам наф кўради.

***СУРАТЛАРДА:** корхона раҳбари Собит Зокиров ишлаб чиқарилган консерва маҳсулотлари намуналарини намойиш қилмоқда.*

**Даврон АҲМАД олган сурат.**

## РАНГЛАР ЖИЛОСИ

**Ўртачирчиқ туманида ногирон болалар ўртасида «Мафтункор ранглар жилоси» шиори остида кўрик-танлов бўлиб ўтди.**

Уни «Маҳалла», «Соғлом авлод учун» жамғармалари, Қизил Ярим Ой жамияти ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлимлари ҳамкорликда ташкил этишди.

Тўйтепалик У. Аҳмедов биринчи, 124-махсус мактаб-интернат ўқувчиси А. Шрейдер иккинчи, Истиқлол қишлоғидан М. Исмонқулов учинчи ўринларни эгаллаб, қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар. Танлов сўнгида туман бадиий ҳаваскорлари концерт дастурини намойиш этишди.

**Даврон АБДУЛЛАЕВ.**

# Ўтни ўчиргандан кўра, олдини олган маъқул

**Вилоят ёнғин хавфсизлиги бошқармаси ва унинг жойлардаги ходимлари ёнғинларнинг олдини олиш, уларнинг сабабларини бартараф этиш борасида тарғибот-ташвиқот ишларини кенг кўламда олиб бормоқдалар.**

Ўтган уч ой мобайнида вилоятимизда 360 та ёнғин содир бўлди. Ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимларининг тинимсиз профилактик ишларига қарамай, корхона, хўжалик ва муассаса мутасаддиларининг совуққонлиги, айрим фуқароларнинг лоқайдлиги туфайли ҳамон фалокатларнинг олди тўлиқ олинмаётир. Халқ хўжалиги корхоналарида хавфсизлик қоидаларига тўлиқ риоя қилмаслик, электр ва газ тармоқларидан фуқароларимизнинг ўзбошимчалик билан фойдаланиши, баъзи одамларнинг чекиш чоғидаги эҳтиётсизлиги туфайли ёнғинлар юз бермоқда.

Вилоят ёнғин хавфсизлиги бошқармаси ва унинг жойлардаги бўлинмалари ходимлари ўз фаолиятларини янада такомиллаштириш учун барча чора-тадбирларни кўрмоқдалар. Айни кунларда вилоятимиз шаҳар ва туманларида ёнғинларни ўчириш ва бу «тилсиз» офат оқибатларини бартараф этиш учун замонавий техникалар жорий этилмоқда. Уларни малакали мутахассислар билан таъминлаш чоралари кўрилмоқда.

**Рамзия СУЛАЙМОНОВА, вилоят ёнғин хавфсизлиги бошқармаси муҳандиси.**

# «БУНЁДКОР»: ҲАМ ТЕЗ, ҲАМ СИФАТЛИ

Бўка туманидаги кўп тармоқли «Бунёдкор» хусусий қурилиш корхонаси 2000 йилда ташкил этилган бўлиб, асосан вилоят ҳокимлиги буюртмалари асосида қурилиш ва таъмирлаш ишларини амалга оширади. Дастлабки йилларда корхона ёрдамчи қурилиш ташкилоти сифатида иш бошлади. Олмалиқ, Оҳангарон шаҳарларида бунёд этилган касб-ҳунар коллежларида корхона жамоаси ўз маҳорат ва кўникмаларини оширдилар. 2003 йилда эса мустақил равишда иш бошлаб, илк бор Т. Ражабов номли ширкат хўжалигидаги қишлоқ шифокорлик пунктини қуриб, фойдаланишга топширди.

Ишдаги сифат ва унумнинг юқорилиги корхона мижозлари аста-секин кўпайишига сабаб бўлди. Айни кунда «Бунёдкор» нафақат вилоятда балки, республикада иқтисодий жиҳатдан бақувват ҳамда иш унуми ва сифати юқори ташкилотлардан бири ҳисобланади. Шу сабабли қурилиш объектлари бўйича ўтказиладиган тендер савдоларининг кўпида ютиб чиқади ва мижозлар ишончини доимо оқлайди.

Биргина мисол, Тошкент туманида янги барпо этилган қишлоқ шифокорлик пункти бор-йўғи 90 кунда қуриб битказилди ва фойдаланишга топширилди. Иш сифати эса бинони қабул қилиб олувчи комиссия талабларига тўла жавоб берди.

— Дастлаб иш бошлаган кезларим жуда чўчиган эдим, — дейди корхона раҳбари, хусусий тадбиркор Баҳром Ғофуров. — Бироқ, қурилиш соҳасидаги кўп йиллик тажрибам ишни изчил йўлга қўйиб олишда ёрдам берди. Дастлабки йиллари орттирилган барча маблағларни корхонага техника харид қилишга йўналтирдик. Шундан сўнг ишларимиз янада юриша бошлади. Ҳозирга келиб 3 та самосвал, 1 та кран, 1 та экскаватор ва 1 та трактор, 3 та УАЗ ҳамда бир қанча енгил автомобиллар қурувчиларимизнинг асосий иш қуролига айланган.

Бугунги кунда корхонада дурадгорлик, пайвандлаш ва шлакоблок қуйиш цехлари фаолият кўрсатмоқда. Катта ҳажмдаги қурилиш ашёлари эса вилоятдаги йирик корхоналардан харид қилинади. Хусусан, «Ўзметкомбинат», «Оҳангароншифер», «Оҳангаронцемент» ва бошқа корхоналар билан ҳамкорлик қилинаяпти.

Айни кунда корхона қурувчилари 10 та катта-кичик объектларда қурилиш ва таъмирлаш ишларини олиб бормоқдалар. Жамоада 12 миллат вакилларидан иборат 300 дан зиёд киши меҳнат қилмоқда.

— Келгуси режаларимиз улкан, — дейди Баҳром Ғофуров. — Фаолиятимизга қўшимча фермер хўжалиги тузмоқчимиз. Янги иш ўринлари ташкил этиш ниятларимиз бор. Бундан ташқари Бўка ва қўшни туман ҳокимликларига расман мурожаат қилдик. Шу орқали жойлардаги қаровсиз ётган ерларни ўзлаштириб ва ободонлаштириб, ҳордиқ чиқариш масканларига айлантириш ва у ерда пулли хизматларни йўлга қўйишни режалаштирмоқдамиз.

Қуйида корхона ишчи-хизматчилари ва мижозларининг «Бунёдкор» ҳақида билдирган фикр-мулоҳазалари билан танишасиз.










## КАСБИМ ВА ИШ ЖОЙИМДАН МАМНУНМАН

— Мен ушбу корхонада тўрт йилдан буён дурадгор бўлиб меҳнат қиламан. Шу йиллар ичида бир қатор қурилиш объектлари учун эшик-ром ясадим ва бошқа тахта ёғоч ишларини бажардим. Ўтган давр мобайнида бирор марта корхонада оддий ишчиларни ранжитадиган ҳолатни учратмадим. Маошимиз ҳам кам эмас, вақтида бериб борилади. Бундан ташқари меҳнатимизга қараб рағбатга ҳам сазовор бўламиз. Шунинг учун ҳозирги иш жойимни ва танлаган касбимни жуда яхши кўраман.

**Олег КУЗНЕЦОВ.**

## ТАРТИБ-ИНТИЗОМ УСТУВОР БЎЛСА

— Корхонамиз томонидан 2005 йил учун 2 миллиард 400 миллион сўмлик шартномалар тузилган. Савол туғилади: бундай катта ҳажмдаги қурилиш ишларини қандай амалга ошириш мумкин? Албатта, мумкин. Қаерда тартиб-интизом жойида бўлса, иш ҳақи ўз вақтида тўлаб борилса ва ишда юзага келган муаммолар жойида бартараф этилса, бунданда юқори унум билан ишлаш мумкин. Бизнинг корхонада эса бунинг учун барча имконият ва шароитлар етарли.

**Собир БАЯЛОВ, корхона бош бухгалтери.**

## БИРИНЧИ МАРТА ТАЪМИРЛАНДИ

— Умримнинг 40 йили шу меҳрибонлик уйи билан боғлиқ. Яъни у очилгандан буён шу ерда ишлайман. Шу йиллар ичида бино бирор марта капитал таъмирланган эмасди. Бу ерда спорт зали ҳам йўқ эди. Айни кунда муассаса биноси капитал таъмирдан чиқарилмоқда. Катта спорт зали бунёд этилди. Шунингдек, сув таъминоти яхшиланди. Хотира ва Қадрлаш кунида меҳрибонлик уйимиз қайта фойдаланишга топширилади.

Бу ишларни амалга оширишда «Бунёдкор» қурилиш корхонаси жонбозлик кўрсатмоқда. Ҳар бир хонага биттадан рангли телевизор олиб беришни корхона раҳбарлари ваъда қилишмоқда. Биз муассаса ходимлари бундай саховатпешаликлари учун улардан миннатдормиз.

**Ҳуррият ТОШПЎЛАТОВА, тумандаги меҳрибонлик уйи тарбиячиси.**

## ЎҚУВЧИЛАРИМИЗ ҲАШАРДА

— Юқори ташкилотлар томонидан мактабимизда капитал реконструкция ишлари амалга оширилиши белгиланган эди. Бироқ, «Бунёдкор» қурувчи ташкилоти раҳбарлари эски мактаб биносини келиб кўрганларидан сўнг бу ерда таъмирлаш ишлари наф бермаслигига амин бўлдилар ва янги мактаб биносини қуришга киришиб кетдилар. Чунки, эски мактабнинг ҳатто пойдевори ҳам йўқ эди.

Ушбу мактаб қурилиши Давлат умуммиллий дастурига киритилган бўлиб, қисқа муддатда фойдаланишга топширилиши лозим. Қурилиш ишлари янада тезлашиши учун енгил юмушларга юқори синф ўқувчиларини ёрдамга жалб этяпмиз. Натижа ёмон эмас. Ишлар июль ойида якунланади.

**Жалолиддин ДАДАМЕТОВ, Пскент туманидаги 10-умумтаълим мактаби директори.**

## ЯНГИ КОЛЛЕЖ ҚУРИЛМОҚДА

— Ҳозир Пскент туманидаги Муродали ширкат хўжалигида бунёд этилаётган 450 ўринли касб-ҳунар коллежи қурилиши жадал суръатларда давом этмоқда. Бу ерда корхонанинг 60 кишидан иборат қурувчилар жамоаси икки сменада меҳнат қилмоқда. Мўлжалдаги 1 миллиард 366 миллион сўмлик ишларни тўққиз ой давомида тугаллашимиз лозим. Бироқ, иш кўлами жуда юқори, уни уддалаш эса катта меҳнат талаб этади. Жамоамизда тажрибали ҳамда ўз ишининг усталари жамулжам бўлган.

**Норхидир МИРЗАЕВ, қурувчилар бригадаси бошлиғи.**

## ЛИЗИНГ ҚЎЛ КЕЛДИ

— Қурилиш техникалари етарли бўлсада, лизинг асосида қўшимча техникаларни жалб қилишни кўзлаяпмиз. Объектлар оралиғидаги масофа узоқ бўлганлиги боис, жойларга керакли техникаларни ўз вақтида етказиб беришда баъзан қийинчиликлар туғилмоқда. Шунинг учун бу хизмат туридан фойдаланмоқчимиз.

Яқинда техникаларимиз қаторига янгилари қўшилса, корхонанинг барча қурилиш объектларида ишлар бир меъёрда боради.

**Самад СУЯРОВ, ҳайдовчи.**

## «САНАМ»ДА ШИФО МАСКАНИ

— Аксарият қурилиш объектларимизда сўнгги пардозлаш ишлари якунланмоқда. Масалан, Бўка туманидаги қатор тиббиёт муассасаларида ишларни тугаллаш арафасидамиз.

Энг охирги қуришимиз лозим бўлган объект эса Оҳангарон тумани Санам қишлоғидаги шифокорлик пунктидир. Яқинда бу объектни тендер асосида қўлга киритдик. Бу ерда 74 миллион 400 минг сўмлик қурилиш ва монтаж ишлари амалга оширилади. Объект қурилишини 90 кунда тугаллаймиз.

**Фарҳод ХУСАНОВ, корхона бош муҳандиси.**

● Sport ● Sport ● Sport ● Sport ● Sport ● Sport ● Sport ● Sport ● Sport ● Sport ● Sport

# Университет мусобақага шай

**Вилоятимиз мезбонлиги остида ўтадиган бу йилги спорт ўйинларининг бошланишига оз фурсат қолди. Табиийки, мусобақага тайёргарлик ишлари айни қизғин паллага кирган.**

Маълумки, касб-ҳунар коллежлари ҳамда лицей талабалари ўртасида ўтадиган нуфузли турнирга вилоятимизнинг бир неча туман ва шаҳарлари мезбонлик қилишади. Қолаверса, вилоят ўрта-махсус, касб-ҳунар таълими ҳамда олий таълим бошқармалари тасарруфидаги ўқув муассасаларига ҳам мусобақага мезбонлик қилиш масъулияти юкланган. Ана шундай билим даргоҳларидан бири Тошкент Давлат аграр университетидир.

Хўш, бу ердаги таъмирлаш ишлари қай даражада олиб бориляпти? Спорт заллари ва ётоқхоналарда қандай ҳажмдаги ишлар бажарилди?

Шу ва бошқа бир қатор саволларга жавоб олиш мақсадида университетга кириб борар эканмиз, мусобақаларга тайёргарлик ишлари жадал суръатлар билан олиб борилаётганига гувоҳ бўлдик. Спорт заллари ва ётоқхоналарда таъмирлаш-пардозлаш ишлари якунланмоқда.

— «Баркамол авлод»дек нуфузли мусобақанинг университетимиз ҳудудида ҳам ўтказилиши зиммамизга шарафли ва шу билан биргаликда масъулиятли вазифаларни юклайди, — дейди қурилиш ишлари бош муҳандиси Султонмурод Усмонов. — Шу боис, турнир қатнашчилари учун барча шарт-шароитларни бекамикўст яратиб беришга ҳаракат қиляпмиз. Бунинг учун қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан 84 миллион сўм маблағ ажратилган бўлиб, шундан 54 миллион сўми ўзлаштирилди. Миллий кураш ва ўсмирлар ўртасида гандбол баҳслари ўтадиган залларда эса сўнгги тайёргарлик ишлари бораяпти. Бунинг учун университет ички маблағидан 50 миллион сўм ажратилди.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш керакки, университет ҳудудида 300 та манзарали дарахт ва 10 мингдан ортиқ гул кўчатлари ўтқазилди. 300 метр узунликдаги сув қувурлари монтаж қилиниб, талаб даражасига келтирилди.

«Баркамол авлод-2005» мусобақаси қатнашчиларининг мазмунли ҳордиқ чиқаришлари учун ҳам барча шароитлар муҳайё қилинади. Жумладан, университет ҳудудидаги 7-ётоқхона ва ўқув даргоҳи қошидаги Қибрай академик лицейининг 15-талабалар уйида 2-4-қаватлар тўлиқ таъмирдан чиқариляпти. Ётоқхоналар бир ҳафта давомида 337 нафар ёш спортчиларнинг уйига айланиб қолишини инобатга олиб, ҳар бир қаватда ошхона, дам олиш, ювиниш ва маънавият хоналари ташкил этиляпти. Умумий овқатланиш шахобчасида мазали таомлар тайёрланса, марказлаштирилган поликлиника шифокорлари қатнашчилар саломатлигидан хабар олиб туришади.

Бир сўз билан айтганда, ТошДАУ ҳудудида ўтадиган мусобақаларни юқори даражада ташкиллаштириш учун барча чора-тадбирлар амалга оширилпти. Ой охирларида спорт иншоотлари ва ётоқхоналарда таъмирлаш ишларини якунлаш ҳамда уларни фойдаланишга топшириш кўзда тутилган.

Шерзод ШУҲРАТОВ.

# Семинар иш бошлади

**Пойтахтимиздаги «Дедеман» меҳмонхонасида Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси ва республика хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан ташкил этилган «Хотин-қизлар ва спорт» мавзуидаги илмий-амалий семинар ўз ишини бошлади.**

БМТнинг Халқаро болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ) ҳамда Тараққиёт дастурининг (ЮНДП) мамлакатимиздаги ваколатхоналари, «Мехржон-спорт» республика болалар хайрия жамғармаси билан ҳамкорликда ўтказилаётган анжуманнинг асосий мақсади «Сиҳат-саломатлик йили» давлат дастурини ҳаётга татбиқ этиш, давлат ҳамда нодавлат ташкилотларининг мазкур дастур доирасида Ўзбекистон хотин-қизлари ўртасида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришдаги иштирокларини кўрсатиб беришдан иборат.

Анжуманнинг очилиш маросимида Ўзбекистон МОҚ президенти Рустам Қурбонов, Республика бош вазирининг ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Светлана Иномова ва бошқалар сўзга чиқиб, мамлакатимизда аёллар спортини ривожлантириш борасида олиб борилаётган ишлар кўлами ҳақида тўхталдилар.

Шундан сўнг, анжуманнинг асосий қисмига ўтилди. Унда турли мавзуларда маърузалар ўқилиб, савол-жавоб ва муҳокамалар ўтказилди. Семинар бугун ўз ишини давом эттиради.

Ўз мухбиримиз.

**Футбол бўйича мамлакат чемпионатининг биринчи табақасида ўйнаётган Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг «ОКМК» жамоаси кубок мусобақаларида қаторасига мағлубиятга учради.**



# Икки мағлубиятдан сўнг

Дастлаб Жиззахнинг «Сўғдиёна» жамоасидан 0:2 ҳисобида енгилган олмалиқлик футболчилар кейинги учрашувда пойтахтнинг «Шайхонтоҳур» жамоасига 1:2 ҳисобида ютқазди.

Ш. ҒАЙРАТОВ.

# Футбол афзалми ё журналистика?

● *Жаҳон футболи*

**Англиянинг «Ньюкасл» клуби президенти Фредди Шеферд қийин аҳволда қолди. Чунки, жамоа етакчиси ва тўпурари Алан Ширер мавсум якунида фаолиятини тўхтатмоқчи.**



Президент ҳар қанча уринмасин, ажойиб спорт формасида бўлган 34 ёшли ҳужумчини қароридан қайтара олмади. «Би-Би-Си» телеканалидан тушган таклиф уни яшил майдон билан хайрлашишга батамом кўндирди.

Алан Ширер телеканалдаги «Кун учрашуви» кўрсатувига бошловчилик қилиш ва шу орқали ўзини журналистика оламида синаб кўриш истагида юрибди. Ҳужумчига таклиф қилинган ва мўмайгина даромад келтириш кутилаётган шартномага эса ҳар қандай телеюлдуз ҳавас қилса арзийди. Шу боис «Ньюкасл» мухлислари май ойида афсонавий тўпурар билан хайрлашишса ажаб эмас.

**Украинанинг Днепропетровск шаҳрида марҳум дарвозабон Сергей Перхун ҳақидаги хотира китоби дунё юзини кўрди.**

# Марҳум дарвозабон ҳақида китоб

Москванинг ЦСКА клуби шарафини ҳимоя қилган истеъдодли футболчи 2001 йилнинг баҳорида «Анжи» ҳужумчиси Будун Будунов билан тўқнашиб кетиб, оғир жароҳат олган ва ҳаётдан кўз юмган эди.

Орадан тўрт йил ўтгач, унинг отаси Владимир Перхун ўғлининг номини абадийлаштириш мақсадида мана шундай хайрли ишга қўл урди. 288 саҳифада чоп этилган асарда дарвозабоннинг болалиги, футболдаги дастлабки қадамлари, кўлга киритган ютуқлари ва шахсий ҳаёти ҳақида ҳикоя қилинади.

# «Ювентус» учун миллионлар

**Туриннинг «Ювентус» клуби Ливиянинг «Tamoil» нефть компанияси билан ҳомийлик шартномасини тузди.**

Тарқалган маълумотларга кўра, битим 5 йилга мўлжалланган бўлиб, шу йиллар мобайнида туринликлар 100 миллион доллар миқдорида фойда кўришади. Яъни, компания йилига 20 миллион доллар маблағни Италия суперклуби ҳисоб рақамига ўтказиб беради. Агар ҳамкорлик муваффақиятли амалга ошса, албатта. Ливиялик тадбиркорлар, шунингдек, шартномани яна беш йилга узайтириш ва белгиланган суммани 140 миллион долларгача кўтариш имкониятига эгалар.


# «Toshkent Regional Trading»

**акциядорлик компанияси 2005 йил 23 апрель куни соат 10.00да акциядорларнинг йиллик умумий мажлиси ўтказилишини маълум қилади.**

**Манзилимиз:** Тошкент шаҳри, Афросиёб кўчаси, 2-уй, «Toshkent Regional Trading» АКнинг «Бизнес-марказ» биноси. Мўлжал: метронинг «Космонавтлар» бекати. «Марварид» дўкони ёнида. (Акциядорлар реестри 2005 йил 24 март санаси билан ёпилади).

**Кун тартиби:**

1. «Toshkent Regional Trading» акциядорлик компанияси бошқарувининг 2004 йилдаги фаолияти ва бизнес-режасининг бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботи.
2. Компаниянинг 2004 йил бухгалтерлик балансини тасдиқлаш
3. Тафтиш комиссиясининг хулосасини тасдиқлаш.
4. Компаниянинг 2004 йилдаги фаолияти тўғрисидаги аудиторлик текширув хулосасини тасдиқлаш.
5. Компаниянинг 2004 йил якунлари бўйича соф фойдасини тақсимлаш ва дивидендлар тўлаш ҳақида.
6. Компаниянинг 2005 йил учун харажатлар ва даромадлар сметасини тасдиқлаш.
7. Компаниянинг 2005 йил учун бизнес-режасини тасдиқлаш.
8. Кузатув кенгашини сайлаш тўғрисида.
9. Бошқарув раисини тасдиқлаш тўғрисида.
10. Бошқа масалалар.

Саволлар билан 152-11-71, 152-11-74 рақамли телефонлар орқали мурожаат қилишингиз мумкин.

*Кузатув кенгаши.*

**«Toshkent Regional Trading» акциядорлик компаниясининг 2004 йилдаги ҳисоботи**

**Тўлиқ номи:** очиқ турдаги акциядорлик жамияти «Toshkent Regional Trading» АК.
**Рўйхатдан ўтказилган:** Миробод туман ҳокимининг 2003 йил 28 апрелдаги 817-сонли қарори билан.
**Юридик манзили:** Тошкент ш. 700031, Афросиёб кўчаси, 2-уй.

**«Toshkent Regional Trading» акциядорлик компаниясининг 2005 йил 1 январь ҳолатига баланси**

| Актив | Минг сўм |
|---|---|
| 1. Асосий воситалар ва номатериал активлар | 983 357 |
| 2. Заҳиралар ва харажатлар | 304 509 |
| 3. Пул маблағлари | 30 809 |
| 4. Дебиторлик қарзлари | 121 702 |
| Баланс | 1 440 377 |
| **Пассив** | |
| 1. Устав капитали | 100 000 |
| 2. Қўшилган капитал | 262 554 |
| 3. Резерв капитали | 678 544 |
| 4. Тақсимланмаган фойда | 2 470 |
| 5. Келгуси давр харажатлари ва тўловлар учун заҳиралар | 111 094 |
| 6. Кредиторлик қарзлари | 285 715 |
| Баланс | 1 440 377 |

**«Toshkent Regional Trading» АКнинг 2004 йилдаги молиявий натижалари**

| | |
|---|---|
| 1. Маҳсулот сотилишидан тушум | 1 938 539 (минг сўм) |
| 2. Маҳсулот сотилишининг ялпи молиявий натижаси | 248 952 |
| 3. Солиқ тўлагунга қадар умумий молиявий натижа | 66 365 |
| 4. Ҳисобот йилидаги соф фойда | 1 137 |

Молиявий ҳисоботнинг тўғрилиги Молия вазирлиги томонидан 2001 йил 14 февралда берилган лицензияси бўлган «Ўзбексавдо-аудит ЛТД» аудиторлик фирмаси томонидан тасдиқланган.

*«Toshkent Regional Trading» бошқаруви.*




## НОДИР ЎЛЖАЛАР

Кеча эрталаб Чеченистондаги Грозно ҳудудида ўтказилган махсус операция давомида тўрт жангари ўлдирилди. Хабар қилинишича, бу жангариларнинг бири Қозоғистон фуқароси экан. Жанг мобайнида иккита «Стрела» кўчма зенит-ракета мажмуаси қўлга олинди. Дастлабки маълумотларга қараганда, улар яқин хориж мамлакатларидан бирининг қуролли кучларига мансуб бўлган.

## ХАВОТИР ТУФАЙЛИ

ФАТХ Фаластин мухториятининг шу йил июль ойи ўрталарида ўтказилиши режалаштирилган парламент сайловларини кечиктириш имкониятларини кўриб чиқмоқда. Ҳукуматни бошқараётган ушбу ҳаракат етакчилари, хусусан Фаластин мухториятининг раҳбари Маҳмуд Аббос, ушбу сайловларда ХАМАС радикал ташкилотининг ғолиб чиқиши эҳтимоли катта эканлигидан хавотирдалар.

## ҲОЗИРЛИК КЎРИЛАЯПТИ

АҚШ армиясининг Ироқда жойлашган ҳарбий хизматчилари масофадан бошқариладиган портловчи зарядларнинг янги юксак технологияли тизими билан қуролланишга ҳозирлик кўришаяпти. «Ақлли» миналарнинг навбатдаги авлоди бўлмиш бу тизим «Матрица» деб номланган.

## ОЙ ШАҲРИНИНГ МАКОНИ

Олимлар Ойда қурилиши мўлжалланаётган коинот бекати учун энг яхши жойни топишди. Жон Хопкинс номли университетнинг доктор Бен Басси раҳбарлигидаги физиклари гуруҳи бунинг учун табиий йўлдошнинг шимолий ярим шаридаги учта энг йирик чуқурликдан бири — Пари кратерининг шимолий сарҳадини маъқул кўраяпти. Ой шаҳрини айнан шу ерда бунёд этиш тавсия этилмоқда.

## ВАЗИЯТ ҲАМОН КЕСКИН

Анголадаги эпидемик вазият ҳамон кескин бўлиб турибди. Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти баёнотига кўра, Марбург безгаги тарқалишини ҳанузгача назорат остига олиб бўлмаяпти. 12 апрелгача қайд этилган 235 хасталаниш ҳолатининг 215 таси ўлим билан тугаган.

## ҚАЙИҚЛАРДАН МЕТРОГА

Венециянинг орол қисми қитъага сувости метро йўли билан уланиши мумкин. Бундай лойиҳа ярим асрдан бери муҳокама қилиб келинмоқда. Аммо, бу гал мэрия ушбу режани ҳаётга татбиқ этишга жиддий киришди. 21 апрелда лойиҳа чизмалари ва макетлар Венециянинг меъморчилик университетида намойиш этилади.


Гамбург кўчалари...

● *Шарҳловчи минбари*

# Суданга молиявий ёрдам муҳокамаси

**Норвегия пойтахтида Суданга молиявий ёрдам кўрсатиш бўйича донор мамлакатларнинг анжумани якунланди. Унда юзга яқин давлат ва қатор халқаро ташкилотлардан вакиллар иштирок этди. Анжуманда мамлакат жанубида иқтисодиётни тиклаш, Дарфур муаммосини бартараф этиш масаласи атрофлича муҳокама этилди.**

Маълумки, Суданнинг жанубий ҳудудларида 21 йилдан буён қуролли тўқнашувлар давом этиб келмоқда. Бу ерда яшовчи аҳоли асосан насронийлар бўлиб, ўзларига мухторият берилишини талаб қилмоқда. Можаролар туфайли икки юз мингга яқин одам ҳаётдан кўз юмди. Қочқинга айланганлар сони эса икки миллиондан ошиб кетди.

Ниҳоят жорий йил бошида Кения пойтахтида можароларга чек қўйиш мақсадида ҳукумат ва исёнчилар ўртасида тинчлик битимига эришилди. Бу билан томонлар ҳар қандай чигалликни музокаралар орқали ҳал этиш мумкинлигини исботлади.

Битимга мувофиқ, мамлакат жанубида ўтиш даври ҳукумати тузилиб, олти йил мобайнида фаолият юритадиган бўлди. Кейин эса жанубий ҳудуднинг Судан таркибида мухторият мақомида қолиши ёки мустақил давлатга айлантирилиши юзасидан референдум ўтказилади.

Айни пайтда эса иқтисодиётни тиклаш асосий муаммога айланган. Узоқ давом этган фуқаролар уруши натижасида бу ерда инфратузилма бутунлай издан чиққан.

Осло учрашувида томонлар Суданга молиявий ёрдам ажратишга келишиб олди. РАТА-ТАСС хабарига кўра, бунинг учун Европа Комиссияси 765, Буюк Британия 545, Нидерландия 220, Норвегия 250 миллион АҚШ доллари ажратади. Ирландия ҳукумати эса 2005-2007 йилларда Суданда ижтимоий соҳани ривожлантириш, турар-жой бинолари барпо этиш учун 15 миллион евро сарфламоқчи.

Албатта, муаммони ҳал этиш учун бу маблағ кифоя қилмайди. Ҳисобкитобларга қараганда, яқин йиллар ичида жанубий ҳудуд иқтисодиётини тиклаш учун камида 7,8 миллиард АҚШ доллари керак. Бошқа муаммо — Дарфур можароси ҳалиҳамон давом этаётгани ҳисобга олинса, мамлакат иқтисодиётини тиклаш учун бундан ҳам кўпроқ маблағ зарур экани аён бўлади.

**Фазлиддин АРЗИЕВ,**
**ЎзА шарҳловчиси.**


# «RESPUBLIKA KO`CHMAS MULK BIRJASI TOSHKENT VILOYATI BO`LIMI» МЧЖ

Сизларни 2005 йил 23, 26 апрель, 3, 10, 17, 24, 31 май кунлари соат 12.00 да «Respublika Ko'chmas mulk birjasi Toshkent viloyati bo'limi» МЧЖ савдолар залида аукцион комиссияси иштирокида ўтказиладиган нархлари юқорилаб борувчи очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.

**Савдога қуйидагилар қўйилади:**

**1.** «Регионал Геология» очиқ акциядорлик жамиятига қарашли, 1995 йилда ишлаб чиқарилган ГАЗ-310200 русумли, давлат рақами 11 AI 369 бўлган автотранспорт воситаси.

Бошланғич баҳоси — 2 039 400 сўм.

Аукцион савдоларида 10 фоизли закалат пулини тўлаб қатнашиш истагида бўлганлардан аризалар қабул қилиш ва рўйхатга олиш аукцион савдосидан бир соат олдин тўхтатилади.

**2.** Тошкент вилояти Ўртачирчиқ тумани суд ижрочилари бўлими томонидан савдога чиқарилаётган, «Кабул Узбек Ко.ЛТД» қўшма корхонасига қарашли, Ўртачирчиқ тумани, Тўйтепа шаҳри, «Тошкент йўли» кўчасидаги ва Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, ген.Узоқов кўчаси, 2а-уйдаги мавжуд мол-мулклар.

Бошланғич баҳоси — 31 958 544 444 сўм.

Аукцион савдоларида 25 фоизли закалат пулини тўлаб қатнашиш истагида бўлганлардан аризалар қабул қилиш ва рўйхатга олиш аукцион савдосидан бир соат олдин тўхтатилади.

**Бизнинг манзил:** Тошкент шаҳри, Мирободод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 19-уй, Тошкент вилоят ҳокимияти биносининг ўнг қаноти.

**Телефон: 133-28-52,**
**факс: 133-77-18.**

